



## ТУРИЗМ СОҲАСИДА ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АҲАМИЯТИ

*PhD, доц. Гафурова Дилшоода Рамазановна*  
Тошкент Кимё халқаро университети  
ORCID: 0009-0003-1483-2297

*Джумаева Нилуфар Ҳикматуллаевна*  
Тошкент Кимё халқаро университети

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда туризм соҳаси ва йўл инфратузилмасининг ривожланиши ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинади. Шунингдек, мақолада йўл инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар тадқиқ этилди. Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар берилди.

**Калит сўзлар:** йўл инфратузилмаси, туризм, йўл хавфсизлиги, экспорт, транспорт хизматлари, сайёҳлар оқими, иқтисодий таъсир.

## ЗНАЧИМОСТЬ РАЗВИТИЯ ДОРОЖНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ В СФЕРЕ ТУРИЗМА

*PhD, доц. Гафурова Дильшоода Рамазановна*  
Ташкентский международный университет Кимё  
*Джумаева Нилуфар Ҳикматуллаевна*  
Ташкентский международный университет Кимё

**Аннотация.** В данной статье анализируется взаимосвязь туристического сектора и развития дорожной инфраструктуры в Узбекистане. В статье также исследованы проводимые реформы в сфере развития дорожной инфраструктуры. Были разработаны предложения и рекомендации по улучшению дорожной инфраструктуры.

**Ключевые слова:** дорожная инфраструктура, туризм, безопасность дорожного движения, экспорт, транспортные услуги, туристический поток, экономический эффект.

## THE IMPORTANCE OF ROAD INFRASTRUCTURE DEVELOPMENT IN THE SECTOR OF TOURISM

*PhD, assoc. prof. Gafurova Dilshoda Ramazanovna*  
Kimyo International University in Tashkent  
*Dzhumaeva Nilufar Khikmatullaevna*  
Kimyo International University in Tashkent

**Abstract.** This article analyzes the relationship between the tourism sector and the development of road infrastructure in Uzbekistan. The article also examines ongoing reforms in the development of road infrastructure. Proposals and recommendations were developed to improve road infrastructure.

**Key words:** road infrastructure, tourism, road safety, export, transport services, tourist flow, economic effect.

### Кириш.

Туризм соҳаси дунё бўйлаб турли мамлакатлар иқтисодиётлари учун муҳим аҳамиятга эга, бу эса унинг кенг кўламдаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий таъсирлари билан белгиланади. Туризм, хусусан, миллий даромаднинг ўсиши, иш билан таъминлаш даражасининг ошиши ва инвестицияларнинг жалб этилиши каби омиллар орқали иқтисодиётга бевосита ҳисса қўшади. Бу соҳа маҳаллий ҳамда халқаро даражада, хусусан ривожланаётган мамлакатларда, иқтисодий тараққиётнинг асосий драйверларидан бири ҳисобланади.

Туризмнинг иқтисодиётга таъсири фақатгина меҳмонхоналар ва ресторанларга чекланмай, балки кенгроқ инфраструктура лойиҳалари, жамоат хизматлари, савдо ва транспорт соҳаларини ҳам қамраб олади. Шунингдек, туризм маданий мерос ва табиий ресурсларнинг сақланишига ёрдам беради, бу эса узоқ муддатли барқарорликни таъминлайди ва келажак авлодлар учун бойликларни сақлаб қолади.

Туризм соҳасининг ривожланиши учун зарур бўлган асосий омиллардан бири бу — ишончли ва самарали йўл инфратузилмаси. Сифатли йўл ва транспорт инфратузилмаси туристларга турли манзилларга осон ва қулай етиб бориш имконини беради, шу билан бирга маҳаллий иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ҳисса қўшади. Шу сабабли, йўл инфратузилмаси инвестициялари туризм соҳасининг ривожланиши ва кенгайиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон иқтисодиётида туризмнинг улушини кўриб чиқар эканмиз, бу соҳа глобал маҳсулотлар экспортининг катта қисмини ташкил этади ва миллионлаб одамлар учун иш ўринларини яратади. Хусусан ушбу соҳа жаҳон ЯИМсининг 3 фоизини ташкил этади. Туризмнинг иқтисодий таъсирини таҳлил қилганда, бу соҳа маҳаллий ҳамжамиятларнинг фаровонлигига катта ҳисса қўшиши ва глобал иқтисодий интеграциясини амалга оширишини инобатга олиш лозим. Шу билан бирга, туризм соҳасининг ривожланиши мамлакатлар ўртасидаги маданий алмашинувларни фаоллаштиради ва дунё халқлари ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳурматни мустаҳкамлайди.

Шундай экан, туризм соҳасида йўл инфратузилмасининг ривожланиши нафақат туристлар учун қулайлик яратиш, балки иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиётни таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу мақола орқали биз туризм соҳасининг иқтисодиётдаги роли ва йўл инфратузилмасининг бу жараёндаги аҳамиятини чуқурроқ таҳлил қилиб, келгусида соҳани янада ривожлантириш йўллари кўриб чиқамиз.

### Адабиётлар шарҳи.

Туризм соҳасининг ривожланиши йўл ва транспорт инфратузилмасининг ривожланиши билан боғлиқлиги борасида кўплаб олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Хусусан, Kanwal ва унинг издошлари тадқиқотларида йўл ва транспорт инфратузилмасининг ривожланиши маҳаллий жамоатчиликнинг туризмни қўллаб-қувватлашини ижобий омили эканини кўрсатди. Бу ҳолат, Хитой-Покистон иқтисодий коридорида (СРЕС) Киннаур юқори баландликдаги туризм манзилининг ривожланиши мисолида кўриб чиқилди (Kanwal et al., 2020). Тадқиқотда, транспорт воситаларининг мавжудлиги ва уларнинг сифати Киннаур каби юқори баландликдаги туризм манзиллари учун жуда муҳим экани қайд этилган. Муаллифлар GARMIN қўл GPSдан фойдаланиб, зарар кўрган йўللарни аниқлаш ва 280 нафар сайёҳнинг транспорт воситалари ҳақидаги фикрларини қайд этиш орқали тадқиқот ўтказганлар. Тадқиқот натижалари Киннаурдаги туризм ривожланишининг асосий тўсиқларидан бири сифатида Миллий Автомагистралнинг ёмон ҳолатида эканини кўрсатмоқда.

Мақола транспорт инфратузилмасининг туризм ривожланишига таъсирига кенг қамровли ёндашувни тақдим этган бўлишига қарамай, айрим жиҳатлар бўйича чуқурлаштирилган таҳлил ва таклифлар келтирилиши мумкин эди. Масалан, мақолада

мавжуд транспорт инфратузилмасининг экологик таъсири, шунингдек, барқарор транспорт ечимлари ва технологияларнинг жорий этилиши каби масалалар кўпроқ эътиборга молик бўлиши мумкин эди. Бундан ташқари, мақолада сайёҳлар ва маҳаллий аҳолининг транспорт инфратузилмасига қарашлари ва эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш бўйича таклифлар келтирилиши мумкин эди. Бу ўз навбатида, транспорт инфратузилмасининг туризм сектори ва маҳаллий иқтисодиётга бўлган ижобий таъсирини оширишга хизмат қилар эди.

Ivanikova va uning ҳамкасблари йўл транспорт инфратузилмаси ва туризм харажатлари ўртасидаги боғлиқликни Европа ИҚТ мамлакатлари мисолида таҳлил қилганлар (Ivaniková et al., 2021). Тадқиқотда, йўл инфратузилмасининг ривожланиши ва туризм харажатлари ўртасидаги алоқаларни баҳолаш мақсадида кластер таҳлили, дескриптив анализ, корреляция ва регрессион таҳлилдан фойдаланилган. Муаллифлар томонидан келтирилган асосий хулоса шундан иборатки, ривожланаётган мамлакатларда йўл инфратузилмасининг ривожланиши туризм харажатларини ошириши мумкин. Бу, ўз навбатида, иқтисодий ривожланиш ва барқарорликка ҳисса қўшиши мумкин.

Ушбу мақолада баъзи чекловлар мавжуд:

- тадқиқот фақат Европа ИҚТ мамлакатларига қаратилган. Натижаларни умумлаштиришдан олдин бошқа қитъалар ва ривожланаётган мамлакатлардаги вазиятни ҳам ҳисобга олиш муҳим;

- йўл инфратузилмаси ва туризм харажатлари ўртасидаги боғлиқлик, шубҳасиз, муҳим, аммо бу икки омил ўртасидаги алоқаларни тўлиқ тушуниш учун бошқа социал-иқтисодий ва экологик омиллар ҳам инобатга олиниши керак;

- йўл инфратузилмасининг кенгайиши ва модернизацияси иқтисодий ривожланишга таъсир кўрсатиши билан бир қаторда, атроф-муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу жиҳатларнинг мувозанатини топиш муҳимдир ва бу эътибордан четда қолган;

- тадқиқотда туризм харажатлари умумий ҳолда кўриб чиқилган бўлса-да, туризмнинг турлари (масалан, экотуризм, маданий туризм) ва уларнинг йўл инфратузилмасига бўлган талаблари ҳамда таъсирлари ҳар хил бўлиши мумкинлиги инобатга олинмаган.

Ушбу чекловларга қарамай, мақола муҳим илмий ҳисса қўшган ва келгусида бу йўналишдаги тадқиқотлар учун пойдевор яратган.

Raghavendra илмий тадқиқотларида йўл транспорти инфратузилмасининг иқтисодий барқарорликка таъсири таҳлил қилинган. (Raghavendra, 2015). Мақолада муаллиф, йўл инфратузилмаси камбағалликни енгиш, инсон ҳаётининг сифатини яхшилаш ва динамик тизимга айлантириш салоҳиятига эга эканини таъкидлайди. Ушбу иш назарий нуқтаи назарларни, жумладан неоклассик ўсиш назарияси, ички ўсиш назарияси, ўсиш полюси ва ўсиш маркази назариясини кўриб чиқади. Мақола йўл инфратузилмаси лойиҳаларини давом эттириш учун Нигерияда инвестицияларни чекловчи бухгалтерия усулларидадан воз кечиш ва йўл нархлаш стратегиясини қабул қилишни тавсия қилади.

Муаллиф йўл инфратузилмасининг иқтисодий барқарорликка глобал таъсирини таҳлил қилади, аммо Нигерия каби мамлакатларнинг маҳаллий шароитлари ва муаммоларига етарли эътибор бермайди. Маҳаллий шароитлар ва маданий фарқлар таъсирини таҳлил этиш муҳим, чунки улар инфратузилма лойиҳаларининг муваффақиятини анча таъсир кўрсатади.

Tian va uning сафдошлари тадқиқотларида Хитойнинг 337 та шаҳар вилоятидан олинган маълумотлар асосида транспорт инфратузилмасининг такомиллашуви ва сайёҳлик ривожланиши орасидаги маконий таъсирлар ўрганилган (Tian et al., 2020). Тадқиқотда, хусусан, йўл, ҳаво, анъанавий темир йўл ва тез юрар поездлар транспорти

каби турли транспорт турларининг сайёҳлик секторида ўсишга қандай таъсир кўрсатиши кўриб чиқилган. Муаллифлар транспорт тизимидаги яхшиланишлар маҳаллий ва халқаро сайёҳлик ўсишига ижобий таъсир кўрсатишини аниқлашган, бунда тез юрар поездлар хизмати яқин атрофдаги ҳудудларнинг ички ва кирувчи сайёҳлик ўсишига таъсир кўрсатган. Булардан ташқари, ички сайёҳлик учун йўл транспорти ва ҳаво транспорти муҳим таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида ажратилган. Мақолада фақат Хитой мисолида транспорт ва сайёҳлик ўртасидаги алоқа кўриб чиқилган. Бу натижалар бошқа мамлакатлар ёки ҳудудларга тўғри келмаслиги мумкин. Шу билан бирга мақолада турли транспорт воситаларининг сайёҳликка таъсири алоҳида кўриб чиқилган бўлса-да, улар ўртасидаги мумкин бўлган ўзаро таъсирлар ва рақобат каби масалалар етарлича ёритилмаган.

### Тадқиқот методологияси.

Мақолада Ўзбекистонда йўл инфратузилмасининг туризм соҳасига таъсири ва ривожланишини ўрганиш бўйича тадқиқот олиб борилди. Тадқиқот жараёнида дескриптив таҳлил, яъни мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш орқали йўл инфратузилмасининг ҳозирги ҳолати ва туризмга таъсирини баҳолаш амалга оширилди.

Таҳлиллар учун иккиламчи маълумотлардан фойдаланилди: Ўзбекистон статистика қўмитаси, туризм бўйича миллий агентликлар ва халқаро ташкилотлар томонидан тўпланган маълумотлар таҳлил этилди.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон – бой тарихий ва маданий меросга эга мамлакат бўлиб, унинг туризм соҳаси сўнгги йилларда жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Туризм соҳасининг бу каби ўсиши мамлакат иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга, чунки бу соҳа янги иш ўринлари яратиш, даромад манбаини диверсификациялаш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбекистон ҳукумати туризмни ривожлантиришга катта эътибор бериб, бир қатор стратегик режаларни амалга оширмоқда. Бу режалар, жумладан, виза тартибини соддалаштириш, туристик инфраструктурани модернизация қилиш ва маданий мерос объектларини сақлаш ва тиклаш каби тадбирларни ўз ичига олади.

### 1-жадвал

#### Хорижий сайёҳлар давлатлар кесимида (минг нафар)<sup>115</sup>

Давлатлар кесимида	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
<b>Жами ташриф буюрганлар:</b>	<b>5346,2</b>	<b>6748,5</b>	<b>1504,1</b>	<b>1881,3</b>	<b>5232,8</b>	<b>6 626,3</b>
қўшни давлатлардан:	<b>4658,4</b>	<b>5827,1</b>	<b>1350,4</b>	<b>1540,9</b>	<b>4364,8</b>	<b>5 349,5</b>
Қозоғистон	2293,1	2261,1	424,1	565,3	1551,1	1 333,3
Қирғизистон	1055,7	1454,9	508,0	652,2	1356,9	1 757,1
Тожикистон	1095,5	1473,7	337,5	288,2	1447,8	2 155,2
Туркменистон	169,9	574,8	60,6	1,2	6,0	100,3
Афғонистон	44,2	62,6	20,1	34,0	3,0	3,6
<b>қолган МДХ давлатлардан:</b>	<b>406,2</b>	<b>495,6</b>	<b>90,0</b>	<b>208,2</b>	<b>606,4</b>	<b>763,2</b>
Озарбайжон	10,5	12,4	2,2	2,9	10,4	14,7
Россия Федерацияси	371,5	455,5	81,6	190,5	567,7	714,3
Украина	11,7	14,0	3,2	8,7	11,0	13,8

<sup>115</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини таҳлил қилиш муҳимдир, чунки бу салоҳият келажакда мамлакатнинг жаҳон туризм бозоридаги ўрнини аниқлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, бу таҳлиллар Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий жойларини жаҳонга танитишда муҳим рол ўйнайди.

Келтирилган жадвал Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг 2018 йилдан 2023 йилгача бўлган статистикасини таърифлайди. Ушбу статистика давлатлар кесимида тақдим этилган бўлиб, сайёҳларнинг сони минг нафарда кўрсатилган. Ташрифларнинг умумий сони қўшни давлатлар, қолган МДХ давлатлари ва бошқа давлатлар бўйича ажратилган.

Жадвалдан кўришиб турибдики, жами ташриф буюрганлар 2019 йилда энг юқори 67,485 минг нафарга етган, аммо 2020 йилда пандемия туфайли кескин пасайиб, 15,041 минг нафарга тушган. 2021 йилдан бошлаб ташрифлар сони аста-секин тикланмоқда. Қўшни давлатлардан энг кўп сайёҳлар Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган. Бу давлатлардан келувчи сайёҳларнинг сони умумий сайёҳлар сонининг катта қисмини ташкил этади. Қолган МДХ давлатларидан Россия Федерацияси етакчи бўлиб, ундан кейин Озарбайжон ва Украина келади. Россиядан келувчи сайёҳлар сони деярли ҳар йили ошган.

## 2-жадвал

Хорижий сайёҳлар давлатлар кесимида (минг нафар)<sup>116</sup>

Давлатлар кесимида	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
АҚШ	11.1	17.1	1.8	5.4	13.1	23
Буюк Британия	8	16	1.4	4	10.5	16.2
Франция	13.6	20.4	1.1	3.4	11	18.6
Германия	18.1	27.6	2.1	6.9	17.7	29.6
Ҳиндистон	21	27.9	4.7	10.7	16.8	45.5
Испания	7.6	12.2	0.3	2.3	6.3	15.2
Исроил	9.8	13.6	1	2.5	11.3	15.3
Италия	13.8	20.4	0.9	2.1	8.8	25.6
Жанубий Корея	27.3	35.5	6.7	5.8	19.9	37.1
Туркия	41.3	63.5	21	44.2	75.6	106.5
Хитой Халқ Республикаси	32.4	54.3	7.2	3.6	5.4	42.5
Япония	17.1	24.9	1.4	1	3	12.4

Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони бўйича маълумотларни умумий таҳлил қилганда, қуйидаги асосий тенденцияларни кўриш мумкин: деярли барча келтирилган давлатлардан Ўзбекистонга келган сайёҳлар сони ортиб бормоқда. Бу, асосан, мамлакатнинг сайёҳлик соҳасидаги изчил ривожланиши ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсининг ошиши билан боғлиқ. 2020 йилда кузатилган сайёҳлар сонининг кескин пасайиши глобал пандемия таъсиридан далолат беради. Бу йилда дунё бўйлаб сайёҳлик фаолияти деярли тўхтаб қолган. 2020 йилдан кейинги йилларда, айниқса 2021 ва 2022 йилларда сайёҳлар сонидан тез суръатлар билан тикланиш ва кейинги ўсиш кузатилган. Бу, мамлакатнинг пандемиядан кейинги даврда сайёҳлик соҳасини фаол қайта тиклаш чораларини кўрганлигининг натижаси бўлиши мумкин.

<sup>116</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

Турли мамлакатлардан келган сайёҳлар орасида ўсиш суръатларида катта фарқлар мавжуд. Масалан, Туркия ва Ҳиндистон каби давлатлардан келган сайёҳлар сони жуда тез ўсган бўлса, бошқа мамлакатлардан келган сайёҳлар сони нисбатан секинроқ ўсган. Ўзбекистоннинг турли давлатлар билан бўлган дипломатик ва иқтисодий муносабатларининг яхшиланиши ҳам сайёҳлар оқимининг ортишига ижобий таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистонга ташриф буюрувчи хорижий сайёҳлар сонининг ортишига қуйидаги омиллар таъсир этади:

1. Виза режимининг соддалаштирилиши: Ўзбекистон кўплаб мамлакатлар учун виза талабларини бекор қилди ёки енгиллатди, бу сайёҳлар учун мамлакатга киришни анча осонлаштирди ва кўплаб янги сайёҳларни жалб қилишга ёрдам берди.

2. Хавфсизлик ва барқарорлик: Ўзбекистоннинг ички сиёсий барқарорлиги ва хавфсизлиги халқаро сайёҳлар учун жозибадор қилади.

3. Тарихий ва маданий мерос: Самарқанд, Бухоро ва Хива каби Ўзбекистон шаҳарлари мўътабар тарихий ва маданий меросга эга бўлиб, Буюк Ипак йўлининг муҳим манзиллари ҳисобланади. Бу шаҳарлар маданий сайёҳлик учун асосий жалб қилувчи кучлардир.

4. Инфратузилманинг ривожланиши: Ўзбекистон транспорт инфратузилмаси, жумладан аэропортлар, темир йўллар ва йўлларнинг модернизацияси сайёҳлар учун қулайлик яратиб, мамлакат бўйлаб ҳаракатланишни осонлаштирди.

5. Туристтик маҳсулотларнинг диверсификацияси: Ўзбекистон турли турдаги сайёҳликни, жумладан экотуризм, этнографик ва гастрономик сайёҳликни ривожлантиришга интилоқда.

6. Халқаро ҳамкорликлар: Ўзбекистон турли халқаро туристик ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб, мамлакатнинг туристик салоҳиятини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

7. Маркетинг ва реклама кампаниялари: Мамлакатни жаҳон бозорларида илгари суриш учун олиб борилаётган фаол маркетинг стратегиялари сайёҳларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

8. Фестиваллар ва маданий тадбирлар: Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро фестиваллар ва маданий тадбирлар сайёҳларни жалб қилишда муҳим роль ўйнайди.

9. Сайёҳлик хизматлари сифатининг яхшиланиши: Меҳмонхоналар, ресторанлар ва бошқа туристик объектларнинг сифати ва хизмат даражасини ошириш сайёҳларни жалб қилиш ва уларнинг мамлакатга қайта ташриф буюришларини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик секторини ривожлантиришдаги стратегияси, маданий ва тарихий меросга оид объектларни сақлаш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари, шунингдек виза тартибини соддалаштириш каби омиллар сайёҳларни жалб қилишда муҳим роль ўйнаган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш, халқаро стандартларга мувофиқ йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, автомобиль йўлларини реконструкция қилиш, йўл ҳаракати қулайлиги ва хавфсизлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари билан йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш йўналиши бўйича янги вазифалар ва чора-тадбирлар белгиланди. Бу эса, соҳани янада ривожлантиришга туртки бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги “2022-2026 йиллар давомида амалга оширилиш мўлжалланган “Хавфсиз ва равон йўл” умуммиллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ-316-сон қарор ижросини таъминлаш доирасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида” 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ-330-сон қарори билан ушбу ишларнинг мантикий давомийлигини таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Туризм хизматлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарори билан туризм хизматлари қамровини кенгайтириш, туризм хизматларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, йўл бўйидаги савдо объектларни ташкил этиш бўйича чораларни кўрилиши ҳисобига туризм хизматлари экспорти 2023 йил якуни билан илк маротаба 2 млрд АҚШ доллардан ошди. 2023 йилнинг 9 ойида туризм хизматлари экспорти 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ошиб, унинг ҳажми 1,6 млрд АҚШ долларни ҳамда ушбу даврда савдо хизматларининг ўсиши суръати 9 фоизни ташкил этди.

### Хулоса ва таклифлар.

Мақолада Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожланиш тенденциялари, ҳамда унинг ривожланишида йўл инфратузилмасининг аҳамияти ўрганиб чиқилди. Тадқиқотлар кўрсатишича, ишончли ва самарали йўл инфратузилмаси нафақат мамлакат ичидаги сайёҳлик фаолиятини оширади, балки халқаро сайёҳларни жалб қилишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда йўлларнинг яхшиланиши сайёҳлар учун қулайлик яратиб, иқтисодий ўсишга ҳисса қўшмоқда. Бу ўзгаришлар маҳаллий аҳоли ва бизнеслар учун ҳам кўплаб имкониятлар яратмоқда.

Йўл инфратузилмасини ривожлантириш жараёнида экологик жиҳатдан барқарор технологиялар ва материаллардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу узоқ муддатли барқарорликка эришишда муҳим омил бўлиб, атроф-муҳитга салбий таъсирни минималлаштиради.

Сайёҳлар учун турли транспорт опцияларини таклиф этиш, масалан, велосипед йўлаклари, жамоат транспорти ва пиёдалар йўлакларини кенгайтириш. Бу нафақат сайёҳлик тажрибасини яхшилайдди, балки маҳаллий аҳолининг ҳаёт сифатини ҳам оширади.

Йўл инфратузилмаси қурилиши ва таъмирлаш ишларида халқаро стандартларга риоя қилиниши керак. Бу сайёҳлар ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун қўшимча ишонч яратади.

Йўл инфратузилмаси ва транспорт хизматларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали сайёҳларга йўналишлар ва транспорт билан боғлиқ маълумотларни осон ва қулай тақдим этиш мумкин.

Маҳаллий аҳоли ва сайёҳларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда йўл инфратузилмасини режалаштириш ва модернизация қилиш. Бу уларнинг мамнуниятини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий фаолиятни кучайтиришга ёрдам беради.

### Адабиётлар/Литература/Reference:

Ivanková, V., Gavurová, B., Bačík, R., & Rigelský, M. (2021). Relationships between road transport infrastructure and tourism spending: A development approach in European OECD countries. *Entrepreneurship and Sustainability Issues*.

Kanwal, S., Rasheed, M. I., Pitafi, A. H., Pitafi, A., & Ren, M. (2020). Road and transport infrastructure development and community support for tourism: The role of perceived benefits, and community satisfaction. *Tourism Management*, 77, 104014.

Raghavendra, N. (2015). Significance of road transportation infrastructure to the economic development of India. *International Journal of Marketing, Financial Services and Management Research*, 3.

Tian, F., Yang, Y., & Jiang, L. (2020). Spatial spillover of transport improvement on tourism growth. *Tourism Economics*, 28, 1416-1432.